
ID-КАРТА ОЛИШДА барча қулайликлар мавжуд

Президентимизнинг 2020 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида идентификация ID - карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا асосан 2021 йил 1 январдан бошлаб барча янги туғилган чақалоқларга, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ва Республика ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига биометрик паспорт ўрнига 10 йил муддатга эгасини ва фуқаролигини тасдиқловчи идентификация ID - картаси берилади. Ушбу Фармон ижроси юзасидан туманимиз аҳолиси амалдаги паспортини янги ID-картага алмаштириш учун ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат қилишлари мумкин. Юртдошларимизга қулайлик яратиш мақсадида электрон навбатга туриш, онлайн тўловларни амалга ошириш имкониятлари ҳам яратилганлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Д. МИРЗАЕВ, туман ИИБ М ва ФРБ бошлиғи.

2021-02-12 13:35:21